



ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА МИЛЛИЙ ҒУРУР ҲАҚИДА

ХОТАМОВ ШУҲРАТ

Мустақил изланувчи, Миллий Гвардия Ҳарбий-техник институти

Аннотация. Мазкур мақолада, бугунги кун ёшларининг маънавиятини шаклланишида, уларни ҳарбий ватанпарварлик ва миллий ғурур руҳида тарбиялашида ҳамда билим доирасини кенгайтиришида Шарқ алломаларининг илмий меросидан фойдаланиш ижобий натижалар беришилиги ҳақида фикрлар билдирилган.

Таянч сўз ва иборалар: тамаддун, ватанпарварлик, таълим-тарбия, метин ирода, муҳаббат, ғурур, одамийлик, меҳр-оқибат, хавфсизлик, ҳарбий ватанпарварлик.

Аннотация. В статье выражается мнение о пользе развития у молодежи духовности, воспитания их в духе военного патриотизма и национального самосознания, расширения сферы знаний с использованием научного наследия восточных мыслителей.

Опорные слова и выражения: цивилизация, патриотизм, воспитание, стальная воля, любовь, гордость, человечность, доброта, безопасность, военный патриотизм.

Abstract. The article discusses the benefit of educating young people in spirituality, educating them in the spirit of military patriotism and national pride, as well as expanding the sphere of knowledge using the scientific heritage of Oriental thinkers.

Keywords and expressions: civilization, patriotism, education, strong will, love, pride, humanity, kindness, safety, military patriotism.

“Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир”¹

Шавкат Мирзиёев

Инсоният тамаддунига тамал тошини қўйган буюк аждодларимиз ва алломаларимиз Ватанга садоқатларини, ўз юртларига муҳаббатларини ифода этиш борасида тарихда ажойиб намуналарни бизга мерос қолдиришган. Шунинг учун ҳам, тарих ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғуларини шакллантиришда энг буюк қуролдир.

Бугунги кунда бизнинг олдимизда турган энг асосий вазифа ҳарбийларни имон-этиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга ватанпарвар, мард, жасур, метин иродали, сабр-матонатли инсонлар қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Ватанпарварлик Ватанга нисбатан садоқат билан хизмат қилиш, уни ёвуз кучлардан ва душманлардан ҳимоя қилиш, юрт тинч-

лигини асраш, озодлиги, мустақиллиги, раванки ва фаровонлиги учун кураш, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. Ватанпарварлик фақат ҳарбий хизматда ёки жанг майдонида намоён бўлмайди. Балки мана шу заминда яшаб турган ҳар бир инсон ўз уйи, маҳалласини асраши ҳам ватанпарварликнинг намоёйишидир. Ватанпарварлик тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлиб, ташқи муҳит ва даврлар таъсирида шаклланган ҳамда ўзгариб келган ижтимоий-руҳий туйғудир².

Тарихий анъана ва тажрибалардан маълумки, таълим-тарбия муайян жамиятнинг ўз олдига қўйган вазифа ва мақсадларига мувофиқ бўлади.

Шу сабабли тарбия жараёнини ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми, деб қараш лозим, чунки тарбиявий ишларни олиб бормасдан

¹ Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 229.

² Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним. – Т.: Муҳаррир, 2018. – Б. 146.

туриб жамиятни, унинг ривожланишини тасаввур қилиш қийин.

Маърифатпарвар, олим Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, “Тарбия – биз учун ё ҳаёт, ё мамот; ё нажот ё ҳалокат; ё саодат, ё фалокат масаласидир”¹. Шундан маълум бўладики, инсон тарбияни ҳаётда, табиатидан ва жамиятдан ўзига жиловлаб олади. Инсон ҳаётга келди, ҳаёт учун курашади ва уни ҳаёт тарбиялайди.

Тарбия таълим бериш билан мустаҳкам алоқада бўлган ҳолда, ўзига хос қонуниятларга ҳам эгадир. Таълим ва тарбия ягона жараёндир. Лекин улар бир-бирига айнан ўхшаш эмас. Таълим ва тарбиянинг бирлиги, аввало, улар мақсадининг умумийлигидан иборат. Бир бугун педагогик жараёнда таълим доимо тарбиявий вазифаларни, тарбия эса ҳаётни билиш, унга тайёрланишдек масъулиятли вазифани бажаради.

Буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий “Фанлар таснифи” деган асарида “Арифметика, геометрия, астрономия ва мусикани тарбиявий фан, деб атайти. Чунки, улар туфайли ёшлар тарбияланади. Бу фанлар ёшларимизни янада назокатлироқ қилади. Тарбиявий деб аталувчи фанларни яхши эгалламасдан туриб, табиат тўғрисидаги фанларни эгаллаш қийин бўлади”, “Таълим фақат сўз ва ўргатиш билан шакллана боради, тарбия эса амалий иш, тажриба билан амалга оширилади”², деган эди.

Тарбия мақсадини белгилашда жамият талаблари, давр нафаси, миллий хусусиятлар асос қилиб олинади. Тарбиянинг мақсади ҳар томонлама камол топган – мукаммал инсон шахсини тарбиялашдир. Ҳарбийлар жамоаси ва ҳар бир аскар ана шу мақсадлардан келиб чиқиб, тарбиявий ишларнинг вазифаларини белгилайди, унинг мазмунини аниқлайди, ҳамда қўмондонлар иш шароитини ҳисобга олган ҳолда ҳарбийларни тарбиялашнинг шакл ва услубларини танлайди.

Ўзбек халқ педагоги, тарбияшунос олим Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд Ахлоқ” асарида инсон камолотида тарбиянинг ролини алоҳида таъкидлаб шундай деганди: “Жаноби Ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши ила ёмонни, фойда ила зарарни, оқ ила қорани айирадиган қилиб яратган. Лекин инсондаги қобилиятни камолга етказмоқ тарбия воситасида бўладир. Агар бола яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлиб чиқади. Агар тарбиясиз, ахлоқи бузилиб ўсса, насихатни қулоғига олмайдиган, ҳар хил бузуқ ишларни қиладиган, нодон, жоҳил бир расвойи одам бўлиб қолади. Тарбия қилувчилар табиб кабидурки, табиб ҳастанинг баданидаги касалига даъво қилгани каби, тарбиячи боланинг вужудидаги жаҳл маразига “яхши хулқ” деган даъвони ичидан, “поклик” деган даъвони устидан бериб, катта қилмоғи лозимдир. Зероки, амри-шарифи ила хулқимизни тузатмоққа амр қилинганмиз, лекин хулқимиз яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядир. Ахлоқимиз биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордир”³.

“Ҳар кишининг дунёда ороми жони тарбият,

Балки охирида эрур доруламони тарбият.

Тарбият хамроқ этадур хур ила рузвонларга,

Гар десам бўлмас хато жаннат макони тарбият.

Эй, оталар! Жонларингиздан сучук фарзандингиз,

Гайрат айланг, ўтмасин вақт-замони тарбият.

Моли зилли хумодор тарбиянинг сояси,

Биздо анқо тухумдек йўқ ошённи тарбият!”.

Ушбу чуқур маъноли буюк маърифатпарвар бобомизнинг мисралари ўтган аср боши-

¹ Каримов И. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2015. – Б. 62.

² Абу Наср Фаробий. Фанлар таснифи. – Т., 2001. – Б. 45.

³ Абдулло Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд Ахлоқ” асаридан.

да юртдошларимиз учун канчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам ҳар бир ота-она учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳимдир.

Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну-шавкати қандай ҳимоя этишни отабоболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор. Дарҳақиқат, Она Ватан озодлиги ва фаровонлигини ҳар нарсадан аъло билган марди-майдон йигитларимиз ҳар қандай мушкул ҳолатларга, мураккаб, жиддий вазиятларга дуч келмасинлар улар охириги томчи қонлари қолгунча ўз аҳду паймонларига, эътиқодларига содиқ қола билдилар. Шу ўринда ибрат сифатида чин ватанпарвар сиймо Шайх Нажмиддин Кубронинг жасорати беназирдир. Унинг ўзига хос ғояси шундай бўлган: “Шу тупроқда туғилибмиз, шу тупроқда ўламиз!”

Бухорийнинг “Абдуллоном”, Абдул Қози Баҳодурхоннинг “Шажариа турк” рисола-ларида Нажмиддин Кубро ҳазратларига Чингизхон омонлик бериб, шаҳарни тарк этишни сўрайди. Шайх ҳазратлари бу таклифни қатъиян рад этади ва жанг майдонига йўл олади. Кексалигига қарамай, бир неча ғанимни ер тишлатиб, мўғуллар туғига ҳамла қилади. Туғни сақлаш ҳарбийларнинг муқаддас бурчи бўлган. Лекин Нажмиддин Кубро ҳазратлари туғни қўйиб юбормайдилар, ғанимлар шайх бармоқларини бирма-бир кесиб, туғни озод қилишади. Бу тўқилган афсона эмас. Тарих миллат ва халқнинг ҳақиқий тарбиячисидир. Биз аجدодлар сабокидан жуда кўп нарсаларни ўргансак арзийди. Чунки аждодлар сабоки ҳаёт сабоқидир.

Тарбиявий ишда ҳарбийларнинг эътибори хавфсизликнинг мардонавор ўтмишига, ўзбек халқининг жаҳон Цивилизацияга қўшган улкан хиссасига, унинг кўп асрлик маданиятига қаратилмоқда.

Бунда Тўмарис, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби буюк қаҳрамонларнинг жасоратини талқин этишга Фа-

робий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг маънавий меросини тушунтириб беришга эътибор берилмоқда.

Ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик, миллий ғурур, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига Ватан хавфсизлиги, халқ осойишталиги ва фаровонлик фазилатларини чуқур жойлаштиришда юқорида зикр этилган буюк саркарда ва алломаларимизнинг жасоратлари ҳамда яратган асарларининг ўрни бекиёсдир.

Фуқароларимизнинг хавфсизликни мудофаа қилиш, осойишталик ва тинчликни барқарор қилиш руҳида тарбиялашда турли воситалардан фойдаланиш лозим. Айниқса, Ватан учун жон фидолик, топқирлик, ақлзаковатни оқилона ишга солиш, таҳликавий вазиятлардан мардонавор чиқиш, душман фикрини олдиндан ўқиб, уни дафъ эта олиш, тузоққа тушмаслик, аксинча, душманга панд бера олиш, машаққатларга чидамлилиқ каби ҳолатларни тарбиялаш лозим. Жумладан, Спитамен бошчилигидаги аскарларнинг жасорати, топқирлиги, уддабуронлиги Александр Македонскийни қойил қолдирган.

Ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг яна бир муҳим йўналишларидан бири – бу шахсий таркибни Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодиёт, фан, маданият, ижтимоий соҳада бўлаётган ўзгаришлар билан таништириб бориш ва шу аснода ҳарбийларда Ватанга муҳаббат, ифтихор, ғурур, муносиб фарзанд бўлиб етишишга интилиш каби хислатларни шакллантиришдан иборатдир.

Жамият аъзоларининг маданий-маърифий, ахлокий камолоти, таълим-тарбия ишларининг оқилона йўлга қўйилиши билан боғлиқ. Агар инсон тўғри тарбия топмаса, унинг фаолияти жамият учун зарарли бўлади. Ахлоқ – маънавият ўзаги. “Авеста”да инсон ўз меҳнати туфайли барча ёмонликлардан, ёвузликлардан қутилиши мумкин, деган улуғ ғоя ётади. Унда ахлоқнинг асоси – саховатлилиқ, деб кўрсатилган.

Шахснинг ривожланиш жараёни бир канча омиллар таъсирида содир бўлади. Булар ирсият. Яъни биологик омил ҳамда муҳит, таълим-тарбия, шахс фаолияти шахсни шакллантиришнинг асосий омиллари, деб тушунилади.

Шахснинг, айниқса, ҳарбийларнинг жисмоний ривожланиши, соғлиғи биологик омилга боғлиқдир. Биологиянинг асосий тушунчаси билан ирсиятнинг, яъни ёшлар насл-насабининг ролига олимларимиз алоҳида эътибор бермоқда. Бола туғилгандан сўнг унда шахс бўлиб шаклланиш, етук инсон бўлиб вояга етиш имконияти мавжуд бўлади. Аммо ажодларимиз ақидаларига кўра бола тарбияси онанинг қорнида бошланади ва ташқи ҳолатлар, ижтимоий вазиятларга қараб ўсиб боради. Шундай экан, соғлом ота-онадан соғлом фарзанд дунёга келишини унутмаслигимиз лозим. Соғлом авлод тарбияси осон иш эмас, у ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан жиддий эътибор ва узлуксиз меҳнат талаб қилади. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар насл-насабини, етти пуштининг тозалигига, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганини кўрамиз. Соғлом боланинг туғилиши, энг аввало, онанинг соғлиғига боғлиқдир.

Шарқ мутафаккирлари ва Ислом таълимотларида шахснинг тарбияси, одоб ахлоқи ҳақида кўп қимматли маслаҳатлар, фикрлар берилади. Уларнинг ғояларида одамийлик, раҳм-шафқат, мурувват, меҳр-оқибат, диёнат каби фазилатлар уйғунлашиб келган.

Шарқона анъаналаримизга кўра ёшлар жамоасида катталарга салом бериш, бирига самимий муносабатда бўлиш, эъзозлаш, меҳрибонлик қилиш, тенгликка, биродарликка, тинч-тотув яшашга, эзгуликка ва яхшиликка даъват асосий қоидалар сифатида йўлга қўйилган. Анъаналаримиз ватанпарварликни, миллий ғурурни тарғиб этиб, разолатни қоралайди, одоб-ахлоқ, руҳий-маънавий поклик ва камолотга, меҳнат қилишга ҳамда ер юзини обод ва гўзал қилишга ундайди.

Имом ал-Бухорийнинг тарбия ҳақидаги қарашларида жаҳолат кишига ўлим келтирувчи фожиа сифатида қораланади. У одамларнинг тўғри сўзли бўлишга, ваъдага вафо қилишга даъват этиб, мунофиқ кишининг учта белгиси борлигини кўрсатади, улар:

1. Ўлқон гапириш;
2. Ваъдага вафо қилмаслик;
3. Омонатга хиёнат қилиш¹.

У инсоннинг куч-қудрати жисмонан паҳлавонлигида эмас, балки жаҳлчиққанда ўзини тия олишда, деб билади.

Имом ал-Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” асарини умуминсоний ахлоқий кадриятлар дурдонаси десак, ҳеч муболага қилмаган бўламиз.

Ажодларимиз яратган асарларида тарбиянинг назарияси кенг ва атрофлича ифода-лангандир. Унинг сабаби ўша даврда Шарқда инсон тарбияси маънавият соҳасидаги асосий масала бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган.

Маърифий рисоаларида асосан шахснинг ривожланишини назарга олиб, тарбиянинг назарий ва амалий масалалари таҳлил этилган. Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Тусий, Даввоний, Кошифий, Кайковус, Саъдий, Жомий, Навоийларнинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт саодатга эришув ҳақида”, “Ахлоқ ҳақида рисола”, “Ишқ рисоласи”, “Қутадғу билиг”, “Алохи Носирий”, “Ахлоқи Жалолӣ”, “Ахлоқи Мухсинӣ”, “Ўйббат-ул-хаққойик”, “Қобуснома”, “Тулистон”, “Бўстон”, “Махбуб-ул-қулуб” каби таълим ва тарбияга оид асарлари инсон шахсини, ватанпарварлик, миллий ғурур руҳида тарбиялашда ҳамда маънавиятини шакллантириш ва ривожлантириш муомалаларига қаратилган ва катта аҳамиятга эга бўлган.

Президентимиз, Қуrolли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони 2018 йил 10 январь куни Хавфсизлик кенгаши мажлисида “Қуrolли Кучларимиз – мамлакатимиз барқа-

¹ Имом-ал Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” асаридан

рорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир” номли нутқида таъкидлаганларидек: “Ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда халқимизнинг қадимий тарих, буюк аجدодларимиз мероси ва уларнинг ҳарбий санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга”¹. деган сўзлари, ҳарбийларда ватанпарварлик, ғурур туйғуларини қарор топтиришда анашу миллий қадриятларимиз, халқимиз маънавий меросидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда, қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин:

Биринчидан, ота-боболаримизнинг бизга қолдирган бой маънавий меросини авайлаб, уни замонавий илм-фан ютуқлари билан ижодий бойитиб, келажак авлоднинг тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириб, уларни миллий ғурур руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, аجدодларимиз илмий мерослари, миллий қадриятлар, урф-одатлар, уларнинг фалсафий асослари халқ турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётида, бугунги кун ҳарбийларининг маънавиятини шаклланишида, уларни ҳарбий ватанпарварлик ва миллий ғурур руҳида тарбиялашда, мустақиллик шароитида шаклланаётган ёшларни билим доирасини кенгайтиришда алоҳида ўринга эгадир.

Учинчидан, ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва миллий ғурур руҳида тарбиялашда Шарқ алломаларининг яратган асарларининг ўрни бекиёсдир.



¹ Ш. Мирзиёев. 2018 йил 10 январь куни Хавфсизлик кенгаши мажлисида “Қуролли Кучларимиз- мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир” нутқидан.

